

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ
БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗ



ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗ**

**ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ:
ШАХСЛАР ВА ХОТИРАЛАР**

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

**“TAMADDUN” нашриёти
Тошкент – 2020**

УЎК 94.(48).083, 94 (575.1)

КБК 63.2 (5Ў)

И 46

Иккинчи жаҳон уруши ва Ўзбекистон халқи: шахслар ва хотиралар. Илмий мақола-лар тўплами. – Тошкент: “TAMADDUN”, 2020. – 108 б.

Вторая мировая война и народ Узбекистана: люди и воспоминания. Сборник науч-ных статей. – Ташкент: “TAMADDUN”, 2020. – 108 стр.

стрThe Second World War and the people of Uzbekistan: people and memories. Collection of scientific articles. – Tashkent: “TAMADDUN”, 2020. – p. 108.

Таҳрир ҳайъати:

Мирзоҳид Акрамович Рахимов, тарих фанлари доктори, профессор;
Козимхон Кахрамонович Сағдуллаев, санъатшунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD);

Ойбек Бектемирович Абдимўминов, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим;

Феруза Холматовна Усарова, сиёсий фанлар номзоди, катта илмий ходим;

Моҳина Шаҳриддин қизи Нурсаидова, таянч докторант.

Тақризчилар:

Илҳом Муҳиддинович Саидов, тарих фанлари доктори, профессор;

Дилшод Нурбаевич Аберкулов, тарих фанлари номзоди.

Ушбу илмий тўпланда жанг майдонларида ўзбекистонликларнинг иштироки, фронт ва фронт орти машаққатлари ватандошлар ҳақидаги мақолалар ва хотиралар орқали ёритиб берилган.

Тўплам Инновацион ривожлантириш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлашти-рувчи-методик марказда амалга оширилган Ц-НИ-27 рақамли мақсадли лойиҳа доираси-да chop этилди.

Мақолада келтирилган маълумотларнинг аниқлиги ҳамда билдирилган фикр-мулоҳазалар учун муаллифлар масъулдирлар.

ISBN 978-9943-5120-2-3

©Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича
Мувофиқлаштирувчи-методик марказ
© “Tamaddun” nashriyoti, 2020

ФАЙЗУЛЛА НОРХЎЖАЕВ

Эркин Ганиевич РАДЖАПОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш
вазирлиги етакчи мутахассиси,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Совет ҳокимияти даврида ўзбек миллати орасидан етишиб чиққан, 1937–1938 йиллар қатағон сиёсатидан омон қолган санокли ўзбек ҳарбий шахсларидан бири **Файзулла Хўжаевич Норхўжаев** бўлиб, у 1911 йил 25 февралда Наманган вилояти Чуст волостининг Қизилтепа қишлоғида туғилган. Оилада Ф.Норхўжаев ўн уч фарзанднинг кенжаси бўлиб, унинг 2 ёшлигида онаси, 5 ёшлигида отаси вафот этди.

Ф.Х.Норхўжаев 1925 йилда Бухоро ҳарбий мактабига ўқишга қабул қилинди. Мазкур мактаб кейинчалик (Ф. Норхўжаев қабул қилингандан 6 ой ўтгач) Фарғонага кўчирилди. Фарғонадаги ҳарбий тайёргарлик мактаби ҳам ёпилгач, унинг ўқувчилари қатори Ф.Норхўжаев Тошкентга олиб келинди. У янгидан имтиҳон топшириб Тошкент ҳарбий мактабига қабул қилинди. Ф.Норхўжаев ҳам Ўрта Осиё ҳарбий мактабида таҳсил олган кўплаб ўзбек курсантлари қатори она тили фанидан имтиҳонни машхур маърифатпарвар ва педагог Абдулла Авлонийга топширди.

Ф.Норхўжаев 1926 йилда миллий ҳарбий мактабнинг тайёрлов бўлими курсантлигига қабул қилинади. Аммо мазкур мактаб ҳам тарқатилиб, уни ҳам Ўрта Осиё (собик В.И. Ленин номи) ҳарбий мактабининг тайёрлов бўлимига ўтказишди. Ҳарбийларни тайёрлаш бўлими ўша вақтда Тупроққўрғонда жойлашган эди¹. Ўрта Осиё ҳарбий мактабида у рус К.П.Бугров, латиш И.Я.Дос ва татар Р.Фатхутдиновлардан ҳарбий таълим олди.

Ўрта Осиё ҳарбий мактабида бошқа миллат вакиллари қатори курсантларга миллий ҳарбий кадрлардан **М.Ғ.Мирбадалов, Саид Азаматбек Худоёрхон** сингари офицерлар таълим беришди. Ўрта Осиё ҳарбий мактабида Фрунзе номи ҳарбий академияни битирган **Т.Қирғизов** тактикадан, артиллерия отишмаси назариясидан **С.А.Худоёрхонов** дарс берган².

¹ *Норхўжаев Ф. 50 йил жанговар постда.* – Тошкент: Ўзбекистон, 1982. – Б. 35.

² *Норхўжаев Ф. 50 йил жанговар постда.* – Тошкент: Ўзбекистон, 1982. – Б.38–39.

Ф.Норхўжаев артиллерия дивизионининг 2-батареясига қабул қилиниб, 5 йил давомида ушбу батареяда таҳсил олди. У Ўрта Осиё ҳарбий мактабида ўқиб юрган вақтида 1930 йил мактабнинг ҳарбий отряди билан биргаликда Сузоқ, Қорақум ҳудудларидаги жанговар операцияларда қатнашди. Жанглардаги жасурлиги, ташаббускорлиги учун СССР Мудофаа Халқ Комиссарлиги томонидан номи ёзилган қурол билан мукофотланди¹.

1931 йилда ҳарбий мактабни тамомлаб, Ишчи-деҳқон Қизил Армияси сафида дастлаб Кушка ва Ашхободда артиллерия взводи командири вазифасида фаолият юритди. Кейинчалик Хитой-Совет чегарасида юз берган қуролли можаро туфайли Узоқ Шарқдаги вазият чигаллашади ва совет ҳукумати томонидан Тошкентда Узоқ Шарққа юбориладиган артиллерия дивизиони тузилади. Ф.Норхўжаев ўзини ҳам шу дивизионга олишларини сўраб полк командирига мурожаат қилади. У ҳам ушбу дивизион таркибига киритилган (дивизион командири – Август Яковлевия Пумпур, Беляков – комиссар, Белов – штаб бошлиғи) эди.

Ф.Норхўжаев Узоқ Шарқда кичик, аммо жуда муҳим гарнизонга командирэтиб тайинланадихамдаунга Хитой чегарасида мустаҳкам мудофаа объектини қуриш вазифаси топширилади. Ф.Норхўжаев 1935 йилгача Узоқ Шарқда хизмат қилиб, кейинчалик у ўз ҳарбий қисмига қайтади.

Бу йиллари совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати, совет ташкилотларини “ёт унсурлар”дан тозалаш кампаниялари ҳарбий қисмларда ҳам жадал суръатларда амалга оширилди.

Ф.Норхўжаев ҳам ўша пайтдаги Армия сафларидаги партия ташкилотига ёт унсурларни аниқлаш ҳамда партияни улардан тозалаш мақсадида 1933–1934 йилларда ўтказилган оммавий тозалаш ишларини шундай хотирлайди: *“Комиссия таркибида икки эркак ва бир аёл бўлар эди. Корпус комиссари И.Онуфриев партиядан тозалаш комиссиясининг раиси эди. “Тозалаш”дан ўтадиган киши ўзининг таржимаи ҳолини сўзлаб бериши, қандай партиявий топшириқларни бажарганини айтгач, унга чекланмаган миқдорда саволлар ёғилиб кетарди. Муҳокама қилинаётган кишининг бутун ҳаёти ва фаолияти элак-элак қилинарди... Баъзилар 10 минутдаёқ қутуларди. Чалкашликка йўл қўйганлар эса беш соатда ҳам қутула олмасди”².*

¹ Нарходжаев Файзулла. – <http://centrasia.ru/person2.php>

² Норхўжаев Ф. 50 йил жанговар постда. – Тошкент: Ўзбекистон, 1982. – Б. 52–53.

Япониянинг Москвадаги муваққат ишлар вакили 1938 йил 15 июль тонгида СССР Ташқи ишлар Халқ Комиссарлигига келиб, совет чегарачиларининг Ҳасан кўли яқинидаги тепаликлардан олиб чиқиб кетилишини талаб қилди. Ҳасан кўли ва унга туташ тепаликлар совет давлати ҳудуди ҳисобланиб, 1938 йил 20 июлда Япония элчиси Сигемицу Ҳасан кўли ҳудудига бўлган япон ҳукумати даъвосини такрорлаб, агар совет ҳукумати мазкур талабга рад жавобини берса Япония куч ишлатилишини маълум қилади.

Япония ҳарбийлари 1938 йилнинг 29 июль куни кундузи соат тўртда СССРнинг чегарадаги қисмларига Заозерная тепалигидан ҳужум қиладилар. 31 июлда эса японлар Ҳасан кўли ҳудудига 19-пиёда дивизияни ҳаракатга келтириб, Ф.Норхўжаев хизмат қилаётган бўлинмага кўққисдан ҳужум қилади. Бу вақтда у 85-мустақил артиллерия дивизиони ўқув батареясининг командири эди.

Қаттиқ отишувлардан сўнг японлар томонидан Заозерная ва Безимьянная тепаликлари эгалланди. Кейинчалик қарши ҳужум натижасида ушбу ҳудудлар Япониядан қайтиб олингач, 1938 йил 10 августда Япония элчиси Сигемицу яна Ташқи ишлар Халқ Комиссарлигига ташриф буюриб, музокаралар бошлаш ҳақида таклиф киритди. 11 августдан Ҳасан кўли бўйидаги ҳарбий ҳаракатлар тўхта-тилди.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, Ф.Норхўжаев турли ҳарбий қисмлар таркибида фронт ҳаракатларида ва кўплаб муҳим жанговар топшириқларни амалга оширишда иштирок этди. 1941 йилнинг ноябрь ойидан 1943 йилнинг мартигача у 63-армия 94-алоҳида ўқчи бригадаси билан уруш ҳаракатларида қатнашди. Шунингдек, Ф.Норхўжаев Москва ва Смоленск шаҳарлари ҳимоясида, Москва атрофи шаҳарларини душмандан озод этишда, Сталинград қамалида ва ундан чиқиш учун олиб борилган жанговар ҳаракатларда иштирок этди.

Ф. Норхўжаев 3-гвардия армия 18-гвардия ўқчи корпуси билан биргаликда Жанубий-ғарбий фронт ҳамда Украина ҳудудларини душман қўшинларидан тозалашда фаоллик кўрсатди. Артиллерия корпуси штабининг бошлиғи сифатида Ф.Норхўжаев хизмат қилган бу ҳарбий тузилма Каменка, Ворошиловград (*ҳозирги Луганск шаҳри – Р.Э.*), Красний Лиман, Лисичанск каби шаҳарларни душмандан озод қилди.

1943 йилнинг майдан 1-гвардия армия 107-замбарак-артиллерия полки командири сифатида у Донбасс, Запорожье, Днепропетровск каби шаҳарларни немис қўшинларидан озод этиш учун жангларда қатнашди.

Хусусан, 16–28 август кунлари Изюмский райони атрофида бўлган жангларда Ф.Норхўжаев кузатув пунктида туриб полкнинг фаолиятини бошқарди. 22 август куни душман пиёдалари ва танкларига қарши хужумда 35 гвардия ўқчи дивизиянинг 100 ўқчи полки чекина бошлайди. Шунда Ф.Норхўжаев икки бор полк қўмондонлигини ўз қўлига олиб, 200,5 баландлиги сақлаб қолинишини таъминлади¹.

3-Украина fronti 152-гвардия қирувчи полк командири лавозимида у бир қатор ҳарбий операцияларга раҳбарлик қилиб, Одесса, Бобруйск, Брест, Слуцк каби шаҳарларни озод этишда иштирок этди. Хусусан, Ф.Норхўжаев Слуцк шаҳри учун жангларда артиллерия хужумларини моҳирлик билан ташкил этиб, душманнинг оловли нуқталарини йўқ қилди. Полк томонидан 10 оловли нуқта, душманнинг 300 гача бўлган аскарлари ва офицерлари яксон этилди. 1944 йилнинг 5 июлида Мир шаҳри учун жангларда Ф.Норхўжаев рақибнинг олов мудофаа тизимини барбод этди².

Фашист Германияси билан ҳал қилувчи жангларда у 1-Белоруссия фронтининг 5-зарбдор армияси 278-танкка қарши қирувчи артиллерия полкига командирлик қилди. Ф.Норхўжаев Висладаги немис мудофаасини ёриб ўтишда, Польшанинг Варшава, Лодзь, Бигдош каби шаҳарларини фашист босқинчиларидан озод этиш, Одра дарёсини кечиб ўтиш, Берлинни эгаллаш учун олиб борилган операцияларда иштирок этди.

1945 йилнинг 14 январида Ф.Норхўжаев Игнацуве ғарбида душманнинг мустаҳкам мудофаа чизиғини ёриб ўтишда артиллерия хужуми, разведка, пиёдалар билан бирга ҳаракат қилиш ишларини яхши режалаштирди. Натижада полк томонидан душманнинг 250 аскарлари ва офицерлари, 40 оловли нуқтаси, 2 артиллерия батареяси йўқ қилинди. Яна 20 оловли нуқта, 5 артиллерия батареяси ҳам бостирилиши пиёдаларни олдинга силжишига имкон берди. Радом шаҳри бўсағасидаги жангларда эса душман 200 нафар аскарлари ва офицерларини, 2 танкини

¹ <http://podvignaroda.ru/?#id=18227566&tab=navDetailDocument>

² https://pamyat-naroda.ru/heroes/podvig-chelovek_nagrazhdenie30410022/

йўқотди. Ф.Норхўжаев бошчилигида шаҳар уйларга жойлашиб олган душман гуруҳларидан тозаланди¹.

У 15 апрелда Гольцов районидаги 32 СК чизиғида душманнинг мустаҳкам мудофаасини ёриб ўтиш бўйича артиллерия ҳужумида ҳам иштирок этди. Кейин 9 СК чизиғида душман пиёдалари ва танклари контрҳужумидан чап қанот хавфсизлигини таъминлади. 13–24 апрель кунлари давомида душманнинг 3 артиллерия батареяси, 2 замбарак батареяси бостирилиб, 3 дзот, шунингдек, ҳандақлар йўқ қилинди. Рақибнинг 500 нафаргача бўлган аскарлари ва офицерлари тарқаб кетди ҳамда қисман яксон этилди.

21 апрель куни соат 18.10 да полк беш батарея билан биргаликда олдинга силжиб Берлин шаҳри атрофида, жумладан, Вульнартен темир йўл бекатида ўт очди².

Ф.Норхўжаев душманнинг Кюстрин гуруҳини тор-мор келтиришда ҳам қаҳрамонлик кўрсатди. Натижада полк томонидан душманнинг 320 нафар офицерлари ва аскарлари йўқ қилинди, 360 нафари асир олинди³.

Ф.Норхўжаев эллик йил мобайнида СССР Қурулли Кучлари сафларида, бир қатор юқори ҳарбий раҳбарлик лавозимларида самарали меҳнат қилди. Жумладан, у 1941–1942 йилларда ўзбек артиллерия бригадасининг бошлиғи, 1942–1952 йилларда эса танкка қарши қирувчи артиллерия полки ва бригадаси командири, 1952–1959 йилларда артиллерия дивизияси раҳбари, 1961–1964 йилларда Ракета қўшинлари ҳамда Шимолий ҳарбий артиллерия гуруҳи раҳбари ўринбосари, 1964–1973 йилларда Туркистон ҳарбий округи қўмондони ўринбосари каби масъул лавозимларда фаолият юритди.

Ф.Норхўжаевга 1958 йилда генерал-майор, 1972 йилда эса артиллерия генерал-лейтенанти ҳарбий унвонлари берилди⁴.

Ф.Норхўжаев фақатгина ҳарбий соҳада эмас, балки нафақадалиги чоғида ҳам Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларида жуда фаол иштирок этди. 1971–1980 йилларда у Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши 8-9 чақириғи депутати, 1974–1982 йилларда тарихий ва маданий ёдгорликларни кўриқлаш республика жамияти раҳбарининг ўринбосари, 1982 йилда уруш фахрийлари

¹ <http://podvignaroda.ru/?#id=26551126&tab=navDetailDocument>

² <http://podvignaroda.ru/?#id=28400168&tab=navDetailDocument>

³ https://pamyat-naroda.ru/heroes/podvig-chelovek_nagrazhdenie24863630/?static_hash=7c2c2c3274b50b97afc233780df1166fv5

⁴ Нарходжаев Файзулла. – <http://centrasia.ru/person2.php>

қўмитасининг Тошкент бўлими раиси каби вазифаларда фаолият кўрсатди¹.

Ўзининг узоқ ва шарафли фаолияти мобайнида Ф.Норхўжаев ҳарбий маҳорати, Иккинчи жаҳон урушининг жанг майдонларида кўрсатган қаҳрамонликлари учун 3 марта Суворов, 1-даражали Улуғ Ватан уруши, Польша Республикасининг “Жасорат хочи”, “Сталинград мудофааси учун”, “Варшава озод этилганлиги учун”, “Берлин забт этилганлиги учун” каби орден, медаллар билан тақдирланган бўлса, Иккинчи жаҳон уруши тугагач, Ленин, Қизил Байроқ (4 марта), Қизил юлдуз, Хурмат белгиси каби орденлар ҳамда бошқа бир қатор медаллар билан тақдирланди².

Шарафли ҳаёт йўлини босиб ўтган машҳур ўзбек ҳарбий мутахассисларидан бири Ф.Норхўжаев 1983 йили 72 ёшида вафот этди. У Тошкент шаҳридаги Чигатой қабристонига дафн этилган.

¹ Нарходжаев Файзулла Ходжаевич. – <http://tashkentpamyat.ru/narkhodzaev-fajzulla-hodzaevich>

² Нарходжаев Файзулла Ходжаевич. – <http://mytashkent.uz/2009/08/11/narkhodzaev-fayzulla-hodzaevich>

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| Сўз боши | 3 |
| <i>Садыкова К. А.</i> Мой дедушка – Усман Юсупов | 8 |
| <i>Назаров Р. Р., Алиева В. Р.</i> Представители Ферганской долины – Герои войны 1941–1945 гг | 12 |
| <i>Абдимўминов О. Б.</i> Очил Қодиров: жасорат унутилмайди | 20 |
| <i>Пардаев Ж. А.</i> Жўрақул Тўраевнинг қаҳрамонлигидан бир лавҳа | 24 |
| <i>Раджапов Э. Г.</i> Файзулла Норхўжаев | 28 |
| <i>Эргашходжаева Г. Э.</i> Ўлимларни қолдириб доғда | 34 |
| <i>Сағдуллаев К. К., Усманов Ф. К.</i> Сирожиддин Валиев | 43 |
| <i>Аҳмеров Қ.</i> Жангчи–кимёгар олим | 45 |
| <i>Джумашев А. М.</i> Академик Сабыр Камалович Камалов: Один из эпизодов воспоминания о войне..... | 50 |
| <i>Хикматуллаева А. С., Абдукадырова М. А., Хикматуллаева Н. С.</i> Военный врач – рискуя жизнью, ради спасения других | 54 |
| <i>Усарова Ф. Х., Хўжаев М. Х., Абдусаттарова Н. Б.</i> «Уч соат – бир умрдек... » | 59 |
| <i>Нурсаидова М. Ш.</i> Италиянинг андижонлик ўғлони | 64 |